ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3-МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE-3

ТОШКЕНТ-2021

ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST
№ SI-3 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори, Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори, Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc) Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Манзурахон Мирзажановна Балтабаева,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти в.б., Ўзбекистон
http://manzurakhonbaltabaeva68gmail.com

ЭРТА ТУРМУШ ВА ЭРТА ТУҒРУҚНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ
(Африка, Жанубий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон мисолида)

For citation: Manzurakhon M. Baltabaeva, NEGATIVE CONSEQUENCES OF EARLY MARRIAGE AND EARLY CHILDBIRTH (On the example of the countries of Africa, South Asia and Uzbekistan). Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-21

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги кунда хотин-қизлар гендер тенглигини таъминлаш, оилада ва жамиятда уларга нисбатан зўравонлик, камситилиш холатларининг олдини олиш, репродуктив саломатлигини сақлаш, ўсмир ёшдаги қизларнинг эрта турмуш ва эрта туғруқнинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш борасидаги муаммоларнинг Африка, Жанубий Осиё давлатларидаги ҳолатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги янги ислоҳотлар даврида миллат давомчилари бўлмиш қизларни ҳар томонлама етук, соғлом, юксак аҳлоқли, билимли, миллий қадриятлар асосида тарбиялаш вазифалари оила, миллат, юрт келажаги билан боғлиқ равишда давлат ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигида олиб борилаётганлиги масалалари қамраб олинган.

Калит сўзлар: эрта турмуш, туғруқ ёши, хавфли туғруқ, репродуктив саломатлик, оилавий муаммолар, нотўлиқ оила, ёлғиз она, ажралишлар, ногирон болалар, гўдаклар ўлими.

Манзурахон Мирзажановна Балтабаева,
Доктор философии по истории, и.о. доцент
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
http://manzurakhonbaltabaeva68gmail.com

НЕГАТИВНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ РАННЕГО БРАКА И РАННЫХ РОДОВ
(На примере стран Африки, Южной Азии и Узбекистана)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется текущее положение женщин в Африке и Южной Азии с точки зрения гендерного равенства, насилия в отношении них в семье и обществе, предотвращения

дискриминации, репродуктивного здоровья, защиты девочек-подростков от негативных последствий ранних браков и преждевременных родов. В период новых реформ в Узбекистане вопросы воспитания девочек, являющихся наследницей нации во всех отношениях зрелыми, здоровыми, высокоморальными, образованными, основанными на национальных ценностях, решаются государством и широкой общественностью.

Ключевые слова: ранние браки, детородный возраст, небезопасные роды, репродуктивное здоровье, семейные проблемы, одиночная семья, мать-одиночка, развод, дети-инвалиды, младенческая смертность.

Manzurakhon M. Baltabaeva
Doctor of Philosophy, Assistant professor in history of Uzbekistan,
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
http://manzurakhonbaltabaeva68gmail.com

NEGATIVE CONSEQUENCES OF EARLY MARRIAGE AND EARLY CHILDBIRTH (On the example of the countries of Africa, South Asia and Uzbekistan)

ABSTRACT

The article analyzes the current situation of women in Africa and South Asia in ensuring gender equality, violence against them in the family and society, prevention of discrimination, reproductive health, protection of adolescent girls from the negative consequences of early marriage and premature birth. In the period of new reforms in Uzbekistan, the issues of upbringing girls who are the successors of the nation in all respects mature, healthy, high moral, educated, based on national values are covered by the state and the general public in connection with the future of the family, nation and country.

Index Terms: early marriage, childbearing age, unsafe childbirth, reproductive health, family problems, single family, single mother, divorce, disabled children, infant mortality.

---

1. Долзарблиги:

ХХ асрнинг иккинчи ярмида жаҳон ҳамжамиятида юз берган ўзгаришларда инсон омили устувор бўлган ижтимоий дунёқараш шаклланди, натижада, хотин-қизларга муносабат тубдан ўзгарди. Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, гендер тенгликни таъминлаш, уларнинг саводхонлигини ошириш учун имкониятлар яратиш, соғлиғини муҳофазалаш, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мавқеини ошириш масалалари БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда устувор мақсадлар сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида махсус тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқарди.

Дунёнинг кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий марказларида хотин-қизларнинг долзарб муаммолари: ижтимоий ва шахсий ҳаётда зўравонлик, камситилиш, репродуктив ва оила ҳуқуқларини ҳал этиш, хусусан эрта ва мажбурий никоҳнинг олдини олиш борасида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди, хусусан бу тадқиқотларда, хотин-қизлар гендер тенглигини таъминлашнинг ижтимоий жиҳатлари очиб берилди.

Ўзбекистонда ҳам миллат давомчилари бўлмиш қизларни ҳар томонлама етук, соғлом, юксак аҳлоқли, билимли, миллий қадриятлар асосида тарбиялаш ва уларнинг оилада, жамиятда ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш борасидаги амалий ҳаракатларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарблиги билан аҳамиятлидир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида хотин-қизлар масаласида мутлақо янгича ёндашув ва қарашлар асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Европа тадқиқотчилари Krolokke, Charlotte; Anne Scott Sorensen., Klammer, U.,Walter. K, Allmendinger, Odra Shallal, Geyl Zemmah Lemmon ва бошқа хориж тадқиқотчилари аёллар ҳаётида вужудга келган

муаммоларнинг амалий ва назарий ечимларини излаш масалалари билан муваффақиятли шуғулланиб келмоқдалар[1]. Аёллар учун яшаш оғир кечаётган Осиё давлатларида ҳам хотин-қизлар фаол ҳаракат олиб боришга, жамият ҳаётида ўзининг ўрнига эга бўлишга интилаётганлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Гейл Тземах Леммон аёллар заиф жинс эмаслигини, улар бугунги кунда катта-катта корхоналарни бошқараётганлигини ўзининг 2005 йилда Finansial Times газетасига тайёрлаган мақоласида таъкидлайди. Бу эса, бугунги кунда мусулмон аёлларининг энг қийин шароитларда ҳам жамият ҳаётида тобора фаоллашиб бораётганлигини кўрсатади.

Хотин-қизлар масаласининг умуминсоний ва миллий жиҳатлари, улар ҳуқуқларининг таъминланишига оид янгича ёндашув ва қарашлар қатор соҳа олимлари, жумладан, Убайдуллаева Р.А., Холматова М.Х., Муртазаева Р.Х., Сафаева С.Х., Каримова М.С., Маткаримова Г.А. Ҳамраева Ш.Ҳ., Давирова Г, Ғаниева Г.Ж, Бакиева М.К, Ҳасанова Н.М, Джураева Н.Д., Балтабаева М.М., Шамсиева М. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мақолада Африка, Жанубий Осиёнинг айрим давлатларида эрта турмуш ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари, Ўзбекистонда бу муаммони бартараф этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, режалар, ушбу муаммога яқин ва алоқадор тадқиқот ишлари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Эрта турмуш қуриш ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари сифатида оилаларда юзага чиққан ижтимоий муаммолар масаласи нафақат Ўзбекистон, балки жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, Африка, Жанубий Осиёнинг Ҳиндистон, Бангладеш, Сурия, Афғонистон каби давлатларининг энг долзарб муаммосига айланган. Жаҳон бўйлаб миллионлаб қизлар вояга етмай туриб турмушга узатиладилар. Айрим ҳолларда оиладаги бу удумга қарши чиқаётган қизалоқлар ҳам учрайди. Зотан, вояга етмаган болаларни турмушга бериш кўплаб мамлакатларда ноқонуний бўлса-да, ЮНИСЕФ чиқарган ҳисоботга кўра, дунё бўйлаб бир йилда 10 миллион нафар 18 га тўлмаган қизлар турмушга узатилади. Масалан, жанубий африкалик рухоний Десмонд Туту "Қизалоқлар келинчаклар эмас" деб номланган глобал кампаниядаги фаолиятидаги тажрибасидан келиб чиқиб, у қизларни эрта турмушга узатиш “миллионлаб қизларнинг болаликлари, ҳуқуқлари ва қадр-қимматларини ўғирлайдиган амал” эканлигини таъкидлайди[2].

Ёш қизлар турмуш қуриши бўйича Ҳиндистон ва Бангладеш энг юқори ўринларда туради. Хусусан, дунё бўйлаб вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳ ҳолларининг 40 фоизи Ҳиндистонда кузатилади. Ҳиндистонда қизларнинг эрта оила қуриши қонунан маън этилган бўлиб, амалда қонунга риоя қилмайдилар 100 минг рупей - 2000 Америка доллари миқдорида жарима ва икки йиллик қамоқ билан жазолансалар-да, Шимолий Ражостан штатида 6 ва 11 ёшлар атрофида бўлган қизлар ҳам турмушга узатилади, қизлар жуда ёш турмушга берилаётган бир пайтда куёв болаларни ҳам у қадар катта деб бўлмайди. Баъзан келин-куёв тенгдош бўлсалар-да, 15 ва ё 16 ёшга етганларидан сўнг бирга эру-хотин бўлиб яшай бошлайдилар[3].

Маҳаллий ноҳукумат ташкилотларининг маълумотларига кўра чекка қишлоқларда қиз болаларни турмушга узатиш расми бутун бошли жамоа тарафидан қўллаб-қувватланади. Жуда камдан-кам ҳолларда полиция формасидаги кимдир келиб буни тўхтатишга уринади. Барибир ёш қизларнинг оила қуришлари уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари йўлидаги имкониятларни чеклаб қўяди.

Аёллар бўйича Халқаро Тадқиқот Маркази маълумотига кўра, Ҳиндистоннинг айрим штатларидаги 18 га етмай туриб оила қурган қизларнинг аксари турмуш ўртоқлари томонидан калтакланишади ва ё таҳдидларга дуч келишади. Бундай ҳаётга маҳкум қизларнинг сони кейинроқ турмуш қурганларникидан икки баробар кўп экан[4].

Эрта оила қурганлар дуч келадиган энг йирик муаммо бу таълим олишдан маҳрум бўлишидир, бу ҳақда Рожастандаги маҳаллий ноҳукумат ташкилоти раҳбари - Шив Шикша Самити ҳар бир эрта турмушга узатилаётган қизларнинг оилаларига бориб, уларнинг мактабда қолишларини ота-оналаридан талаб қилиши натижасида қишлоқ қизларининг

кўпчилигини турмушга эрта узатилишидан сақлаб қолганлигини, қишлоқда текин ўрта мактабнинг борлиги ҳам бунда асосий роль ўйнаганлигини таъкидлайди.

Шунингдек, мазкур муаммонинг холатини Жанубий Осиёда вояга етмаганлар турмуш қуришлари бўйича дунё бўйлаб тўртинчи ўринда турадиган Бангладеш мисолида кўрсак, бу мамлакатда ҳам болалар никоҳи ноқонуний ҳисобланса-да, ёш қизлар балоғатга етар-етмас узатилади ва одатда эрлари билан ўша пайтданоқ бирга яшай бошлайдилар.

“Албатта, аҳолисининг катта қисми қашшоқликда яшайдиган давлатда бу қўрқинчли ҳолат”, дейди Бангладешдаги “Акшин Эйд” ташкилоти раҳбари Фараҳ Кабир. Қизлар одатда оила боқиш имкониятига эга эркакларга узатилади, шу сабабдан бангладешлик қизлар учун ечим - мамлакатдаги кийим-кечак саноатида ишлаш орқали иқтисодий мустақилликка эришиш ва эрта оила қуриш талабини рад этишдир.

БМТнинг Болалар жамғармаси раҳбари муовини Рима Салаҳнинг Афғонистоннинг пойтахти Қобулдан берган маълумотларига асосан, қизларнинг мактабга бормаётганининг асосий сабаби хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ. Афғонистонда ҳукумат тепасига «Толибон» ҳаракати вакиллари келганидан кейин маҳаллий хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи янада ёмонлашди, уларнинг таълим олиши ва бирон-бир касб бўйича ишлашлари масаласида ҳавотирли ҳолат юзага келди. Шунинг учун кўплаб оилалар ўз қизлари ва аёлларини хавфсизлигини ўйлаб мамлакатни тарк этишга ҳаракат қилдилар. БМТнинг қочқинлар билан ишлаш бўйича бошқармаси берган маълумотга кўра, Афғонистонда 2021 йил май ойи охиридан бери мамлакатни 250 минг нафарга яқин аҳоли тарк этган, шундан 80 фоизи аёллар ва болалардир[5].

Бунинг сабаби, 1996-2001 йилларда “Толибон” Афғонистонни бошқарган даврда аёлларни бошидан тўпиғига қадар тўлиқ ёпиб турувчи махсус кийимда паранжи ёпиниб юриши мажбурий деб белгиланган, аёлларнинг ишлаши, ўқиши, уйдан маҳрам эркак ҳамроҳисиз чиқиши тақиқлаб қўйилган ва ушбу қоидаларни бузганлар тошбўрон қилиб ўлдирилган. Times газетасида 2001 йилда «Толибон» Афғонистон ҳукуматидан четлатилганда, афғон мактабларида қизлар деярли таълим олмаганлиги, 2004 йилда мамлакатнинг янги конституциясида аёлларнинг ҳуқуқлари, ҳусусан таълим олиш ҳуқуқлари тиклангандан кейин, Жаҳон банкининг статистик маълумотларига кўра Афғонистон мактабларида таълим олувчи қизлар сони 2007 йилда 41,7 фоизга, 2011 йилда 65,6 фоизга етган[6].

АҚШ қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилгач, Толибон» иҳтиёрига ўтган Хирот вилоятидаги мактаб битирувчиси бўлган қизнинг Тайм газетасига берган маълумотига кўра, толибон жангарилари қизларга кафанлар юборишган. Бу таҳдидларлан мактаблар ёпила бошлаган. Ислом шариатида ҳар бир мусулмонга ҳар қандай ёшда илм олиш жоиз эканлиги қайд этилган, маърифатли бўлиш, ҳаёт учун зарур бўлган барча кўникмаларни ўрганиш ҳар бир қиз бола учун ҳам фарздир. Лекин шунга қарамай, “Толибон” қизларга саккиз ёшгача таълим олиш етарли деб ҳисоблайди. Бу чекловларнинг асосида қизларнинг балоғат ёшига етмасдан 7-8 ёшидан бошлаб турмушга мажбурлаб бериш ва унинг натижасида хотин-қизларнинг туғруқлар даврида бевафт вафот этиши, чақалоқларнинг она қорнида ва туқруқдан кейинги даврда нобуд бўлиши билан боғлиқ салбий оқибатлар кўпаяди. Шунинг учун бугунги кунда кўплаб афғон оилалари мамлакатдан қочиб, қочқинликда яшашга, мамлакатдан қолган оилалардаги ота-оналар мамлакатда бошланган очарчиликдан омон қолиш учун қизларини 9-12 ёшда пул эвазига нотенг никоҳга берилишига мажбур бўлмоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам йил сайин турмушга узатилаётган қизларнинг ёши ҳам “ёшариб” бормоқда ва ўзбек жамиятида кенг тарқалган “қари қиз” тушунчасига барҳам бериш зарур. Маълумотларга кўра, 2019 йил биринчи 6 ойида вояга етмаган қизларнинг ҳомиладор бўлиши бўйича 46 та ҳолат аниқланиб, бу 2018 йилнинг шу давридаги 32 та холатга нисбатан 10 тага кўпайган. Энг кўп ҳолат 10 та бўлиб, бу Тошкент вилоятига, энг кам холат 2 та бўлиб, бу Самарқанд вилоятига тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2019 йилда жаҳон ҳамжамияти болалар ўлими ҳолатлари сонини 4,4 миллионгача камайтиришга эришди,

мактаб ўқувчилар сони 115 миллионга кўпайгани холда, 11 миллион эрта турмушга чиқиш ҳолатларининг олди олинди[7].

Бугун тобора чуқурлашиб бораётган ушбу муаммонинг ҳуқуқий жиҳатига ҳам жиддий эътибор қаратадиган пайт келди. Хусусан, оила қуриш истагидаги ёшларнинг туғилажак фарзандлар олдидаги ота-оналик масъулиятини янада ошириш лозим. Бунинг учун, энг муҳим ҳужжат бўлган, никоҳ шартномасига уларнинг эҳтимолий ажрим натижасида келиб чиқадиган жавобгарлигини белгилайдиган шартлар киритиш кераклигини ҳам илмий асосланган ҳолда баён этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, вояга етмаган фарзандларга алимент тўлашда ота ва она бир хилда масъул этиб белгиланиши ҳам ажримлар сонини камайтиришга, етим қолган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади, албатта. Яъни, бунда фарзандга тўланадиган алимент учун банкда махсус ҳисоб-рақамини очиш ҳамда алимент пулини фақат ва фақат боланинг ўз эҳтиёжлари учун сарфланишини таъминлашга шароит яратадиган амалиётни йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан фойдали эканлиги асосланган таклифлар орқали илгари сурилади. Ажрашган оилаларнинг иқтисодий аҳволи, фарзандлар учун алимент ундириш масалалари атрофлича муҳокама қилиниши, амалдаги қонунчилигимизда бу борада белгиланган нормаларнинг моҳияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти атрофлича таҳлил этилиши хусусида ҳам фикрлар келтирилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритиш таклифи илгари сурилган эди. Хусусан, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамғарма ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Бундан ташқари, жамғарма томонидан тўлаб берилган маблағлар қарздор томонидан мажбурий тартибда ундириб олиниши, мазкур йўналишда самарали механизмни юзага келтириши имкони мавжуд экани қайд этилган. Масалан, қатор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бу борада қарздорларни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум қилиш амалиётини жорий этиш таклифи ҳам илгари сурилган.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси (UNICEF) экспертларининг фикрича бир қатор мамлакатларда, хусусан Осиё давлатларида ҳам 18 ёшдан кичик қизларнинг эрта турмуш қуришига миллий этник урф-одатлар, камбағаллик ва эрта ҳомиладорлик сабаб бўлмоқда. UNICEF миллионлаб болаларни кўз ёшларига сабаб бўлаётган бундай эрта турмушларга чек қўйишни талаб қилмоқда. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки давридан то ҳозирги кунгача БМТнинг хотин-қизлар масаласидаги барча халқаро меёрларига риоя қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила қуриш арафасидаги йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга зарур психологик, ҳуқуқий, ижтимоий кўмак бериш, ёш оилалар учун имтиёзли кредитлар ажратишга доир амалий чора-тадбирлар бунинг ёркин далилидир. Республикада мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш, таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда

бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш янги босқичдаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айланди.

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ва унинг бўлимлари томонидан эрта турмуш қуриш ва эрта туғруқдан жабр кўрган ёлғиз оналар, ногиронлиги бўлган ёки ногирон фарзандни тарбиялаётган аёлларга арзон уй-жойлар ажратиб берилаётганлиги, Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодларига қўйилган ёш чегараси узайтирилгани, "Мўътабар аёл" кўкрак нишонининг таъсис этилиши хотин-қизларимизни давлат ва жамият ҳаётида фаол ташаббус бўлишга ундайди.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан "Соғлом оила — соғлом жамият" концептуал ғояси ҳамда "Оила — жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципи асосида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Республикада химояга муҳтож ҳотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида хокимликларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, сектор раҳбарлари, МФЙ хотин-қизлар маслаҳат кенгашлари иштирокида "Аёллар дафтари" шакллантирилиб, унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича "йўл хариталари" асосида иш олиб борилмоқда. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ҳар йили 300 млрд. сўмгача маблағ ажратилмоқда.

Шаҳар ва туманлардаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" машғулотлари соғлом оилани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кенгашлари ходимлари, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти фаоллари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурати, эрта турмуш қуриш ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги мавзуларида атрофлича маълумот берилмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёш қизларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга ва оилага чексиз муҳаббат билан муносабатда бўлишига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди ну нарса давлатимиз ва ҳалқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

Бугунги кунда ислоҳотларнинг янги босқичида жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда аҳолининг 49,8 фоизини ташкил этган хотин-қизларимиз давлат ва жамият тараққиёти билан боғлиқ кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўринга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан: Халқ розилиги аввало, муҳтарама оналар, хотин-қизларнинг розилиги билан боғлиқлиги, уларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли яшашини таъминлаш барча ислоҳотларнинг асосий мақсади ва мезонидир" – дея таъкидланиши бежизга эмас[8].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. M. Baltabayeva.Womens problem at a new stage of socio-economic and political change in Uzbekistan problems and solutions. The American Journal of Social and Education Innovations. Volume 03 Issue 01 January 2021.- 1516 p.
2. M. Baltabayeva.Womens problem at a new stage of socio-economic and political change in Uzbekistan problems and solutions. Ўша манба.
3. Аёллар яшаши учун хавфли бўлган давлатлар. https://tarjumon.uz/28087 (States where women are at risk of survival. https://tarjumon.uz/28087)
4. Ўша манба. https://tarjumon.uz/28087 (The same source. https://tarjumon.uz/28087)
5. Афғонистон хотин-қизлари аҳволи. https://daryo.uz/k/2021/08/19 (The situation of Afghan women. https://daryo.uz/k/2021/08/19)

6. Ўша манба. https://daryo.uz/k/2021/08/19 (That source. https://daryo.uz/k/2021/08/19)
7. Халқ сўзи онлайн. https://xs.uz/uzkr/post/ (Folk word online. https://xs.uz/uzkr/post/)
8. Ш.М.Мирзиёевнинг 8-март Халқаро хотин-қизлар байрамидаги маърузаси. 7 март 2019. https://uznews.uz/uz/article/14152(Sh.M.Mirziyoev's speech on March 8, International Women's Day. March 7, 2019. https://uznews.uz/uz/article/14152)